

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.ТІВ.102.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРКИНОВА КАМОЛА ФАХРИДДИНОВНА**

**СИНУСИТЛИ ВА АДЕНОИД ВЕГЕТАЦИЯЛИ БОЛАЛАРДА,  
АЛЛЕРГИК РИНИТНИ ТАШХИСЛАШНИ ВА ДАВОЛАШНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2024**

УЎК: 616-056.3: 616.211-002: 616.216-002: 616.323-007.61]-053-07-08

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Эркинова Камола Фахриддиновна**

Синуситли ва аденоид вегетацияли болаларда,

аллергик ринитни ташхислашни

ва даволашни оптималлаштириш..... 3

**Эркинова Камола Фахриддиновна**

Оптимизация диагностики и лечения

аллергического ринита у детей, сочетанного

с синуситами и аденоидной вегетацией..... 27

**Erkinova Kamola Faxriddinovna**

Optimization of diagnosis and treatment

of allergic rhinitis in children, combined

with sinusitis and adenoid vegetation..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.ТІВ.102.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРКИНОВА КАМОЛА ФАХРИДДИНОВНА**

**СИНУСИТЛИ ВА АДЕНОИД ВЕГЕТАЦИЯЛИ БОЛАЛАРДА,  
АЛЛЕРГИК РИНИТНИ ТАШХИСЛАШНИ ВА ДАВОЛАШНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.3.PhD/Tib2076 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Амонов Шавкат Эргашевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Карабаев Хуррам Эсанкулович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Панахиан Вафа Мустафа оглы**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**“Абуали ибни Сино номидаги Тожикистон Давлат Тиббиёт Университети”**  
(Тожикистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд, Амир Темур кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99866) 233–30–34; e-mail: [ilmiyprorektori@sammu.uz](mailto:ilmiyprorektori@sammu.uz)).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ж.А. Ризаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.У. Самиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Т. Насретдинова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Аллергик ринит (АР) 10-25% дунё аҳолиси орасида АҚШ да 25-30 млн аҳоли АР билан азият чекса, Россияда 12-24%, Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 13,5%ни ташкил қилиб, кўпайиш тенденциясига эга ва ҳаёт сифатининг пасайиши ва тез-тез учрайдиган асоратлар туфайли жиддий муаммодир<sup>1</sup>. АРнинг иқтисодий зарари миллионлаб долларни ташкил этади ва бу миқдорнинг деярли ярми беморларни ремиссияда сақлашга ёрдам берадиган ва қоида тариқасида даволанмайдиган дори-дармонларга сарфланади. Маълумки, аллергия ринит (АР) ЛОР аъзоларининг бошқа касалликларини (синусит, отит, евстахиит, бурун полипоз, юқори нафас йўллариининг инфекциялари, бронхит, бронхиал астма хуружи ва бошқалар) ривожлантириши билан беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтиради. Бироқ, «...бу ҳар доим ҳам патологик ҳолатни бартараф этишга олиб келмайди, чунки бурун-халқум муртагининг катталаниши кайталананиши ва яллиғланиши кўпинча жарроҳликдан кейин содир бўлади. Турли муаллифларнинг фикрига кўра, АВ нинг операциядан кейинги рецидивланиш даражаси 4 дан 75% гача...»<sup>2</sup>. Жарроҳлик даволаш жуда қисқа муддатли натижа беради ва касалликнинг тез рецидивланишига олиб келади ёки кўплаб муаллифлар таъкидлаганидек, бронхиал астма хуружларига олиб келиши мумкин, агар у илгари мавжуд бўлмаса, АР, аденоидлар ва бронхиал астманинг комбинацияси ва ўзаро таъсири, аденоитомиянинг АР нинг кейинги кечишига таъсири ҳали етарлича ўрганилмаган ва жиддий клиник ёндашувни талаб қилади.

Жаҳонда синуситли ва аденоид вегетацияли болаларда аллергия ринитни ташхислашни ва даволашни оптималлаштириш бўйича қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада болаларда аллергия ринитнинг клиник кечишини, микробиоценозни ва бурундан нафас олиш параметрларини ўрганиш орқали бурун бўшлиғининг функционал хусусиятларини синуситли ва аденоид вегетацияли болаларда аллергия ринитни қиёсий тавсифини ўтказиш, синуситли ва аденоид вегетацияли болаларда аллергия ринитни комплекс терапияси самарадорлигини, ҳамда синусит ва аденоид вегетациялари билан бирга аллергия ринитли болаларда ташхислаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида ахамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли омилларга боғлиқ болаларда учрайдиган оторинолорингологик касалликларни олдини

<sup>1</sup> Суёнов Н.Д. и др. Анализ распространения, лечения болезни поллиноз и потребления лекарственных средств //Научно-практический фармацевтический журнал, 2017, 37-45.

<sup>2</sup> Pereira L., Monyror J., Almeida F.T. Prevalence of adenoid hypertrophy: A systematic review and meta-analysis. Sleep Med. Rev. 2018, 101–112.

олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, синуситли ва аденоид вегетацияли болаларда аллергия ренитни ташхислашни ва даволашни оптималлаштириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 16 июндаги ПҚ-283-сон «Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Юқори нафас йўлларидаги аллергияларидаги аденоид вегетациялари ўртасидаги коморбид боғлиқлик, бу IgE воситачилигида юқори сезувчанлик туфайли юқори нафас йўлларидаги шиллик қаватининг яллиғланиши деб аталадиган кўплаб илмий тадқиқотларда кўрсатилган [Н.А. Арефиева ва ҳаммуал., 2015]. Аллергия АВ учун хавф омили ҳисобланади. Бошқа томондан, АР ва АВ нинг клиник белгилари ўхшаш бўлганлиги сабабли, беморда улардан фақат биттасини аниқлаш мумкин. Сўнгги ўн йилликларда болаларда атопик касалликларнинг кўпайиши кузатилди ва бу ўсиш аллергия билан боғлиқ АВ билан касалланишнинг кўпайишига ёрдам берган бўлиши мумкин. Шунинг учун АВ бўлган барча болаларда АР борлиги текширилиши ва

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тўғри даволанишни бошлаш керак [Dogru M, Evcimik M.F., 2017]. Аллергик IgE воситачилигидаги ринит аллергик бўлмаган ринитга қараганда бурун ёндош бўшлиқларнинг янада жиддий дисфункциясига олиб келиши исботланган, шунинг учун Е.А. Вишнева, Л.С. Намазова-Баранова, 2016 болалар тадқиқотига кўра, бактериал риносинусит хавфи ортиши мумкин. Мавсумий АР билан ва АРСиз беморлар гул чанглар келтириб чиқарадиган ринит ўткир риносинусит учун хавф омили эканлигини кўрсатди [Leo G, Incorvaia C ва бошқ., 2018]. Сурункали риносинусит аллергик ринитнинг кенг тарқалган асорати эканлиги маълум бўлсада [Anfuso A, Ramadan H ва бошқ., 2015], ўткир риносинусит ва аллергик ринит ўртасидаги муносабатлар мунозарали бўлиб қолмоқда. Lin S W ва бошқалар (2019) маълумотларига кўра, аллергик ринитли болаларда ўткир риносинусит ривожланиш хавфи уч барабар кўпайган. [Lin S W ва бошқ., 2019]. Адабиётда аденоид вегетациялари ва синусит билан бирга АР бўйича кам сонли ишлар мавжуд [Dogru M, Evcimik MF, 2017; Lin SW ҳаммуаллифлар., 2019].

Ўзбекистонда болаларда учрайдиган туғма ва ортирилган отолорингологик касалликларни эрта ташхсиллаш ва самарали даволаш борасида қатор муаллифлар иш олиб боришган (С.А. Хасанов, 2019; 2022; Ш.Э. Амонов, 2022; 2023; Х.Э. Карабаев, 2022; 2023; Шайхова Х.Э., 2023), бироқ, синуситли ва аденоид вегетацияли болаларда аллергик ринитни ташхсиллаш ва даволашни оптималлаштирилмаган.

Ушбу муаммони чуқур, илмий асосланган ўрганиш, болаларда аллергик ринитни синусит ва аденоид вегетациялари билан бирга даволаш бўйича маълумотлар йўқ. Буларнинг барчаси бизнинг тадқиқотимизнинг мақсадини аниқлади ва аллергик ринитни синусит ва аденоид вегетациялари билан бирга клиникаси, кечиши, диагностика ва етарли этиопатогенетик терапия алгоритминини ишлаб чиқиш учун асос бўлди. Шу муносабат билан, синусит ва аденоид вегетациялари билан бирга болаларда АРни клиник, лаборатория ва функционал кўрсаткичларини ўрганиш ва терапия самарадорлигини ошириш асосида долзарб кўринади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №00101.110.01.56 «Қулоқ, юқори нафас йўллари ва юз-жағ соҳаси касалликларини ташхсиллаш, даволаш, реабилитация ва профилактикасини такомиллаштириш, бунда нохуш омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш» (2021–2024 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** синусит ва аденоид вегетациялари билан бирга болаларда аллергик ринитни клиник, лаборатор ва функционал кўрсаткичлари асосида даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

синусит ва аденоид вегетациялари билан бирга аллергик ринитнинг болаларда клиник кечишининг қиёсий тавсифини баҳолаш;

синусит ва аденоид вегетациялари билан бирга аллергик ринитли болаларда микробиоценозни ва бурун бўшлиғининг функционал хусусиятларини бурундан нафас олиш параметрларини баҳолаш;

синусит ва аденоид вегетациялари бўлган болаларда аллергик ринит учун комплекс терапияни ишлаб чиқиш ҳамда уни самарадорлигини баҳолаш;

синусит ва аденоид вегетациялари билан бирга аллергик ринитли болаларда ташхислаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Тошкент педиатрия тиббиёт институти шифохонаси, Harry life medical centre хусусий шифохонасида ва Республика ихтисослаштирилган аллергология илмий амалай марказида даволанган 105 нафар болалардан аллергик ринит ва синусит билан хасталанган 40 нафар болалар, 40 нафари аллергик ринит ва аденоид вегетациялари билан (асосий гуруҳда) ва 25 нафар синуситсиз ва аденоид вегетациясиз аллергик ринитли болалар таққослаш гуруҳига киритилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида синуситли ва аденоид вегетацияли болаларда аллергик ринитни ташхислашни ва даволашни оптималлаштиришда УҚТ лейкоформула, мослашувчан эндоскопия ёрдамида бурун шиллиқ қаватининг функционал ҳолатини, нафас олиш ва ҳид билиш вазифасини, олдинги фаол риноманометрия, БЁБларнинг МСКТ, ЗД тамограммаси, бактериологик ва иммунологик IgE., эозинофиллар мавжудлиги учун бурун секрецияси микроскопияси ва аллергик скарификация тестларнинг баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқот усуллари** синуситли ва аденоид вегетацияли болаларда аллергик ринитни ташхислашни ва даволашни оптималлаштириш клиник, инструментал, иммунологик, бактериологик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

аллергик ринитнинг клиник кечишини синусит ва аденоид вегетациялари билан биргаликда кечганида ўзаро солиштирганда касалликнинг ўзига хос белгилари бурундан келадиган ажралмалар кўп миқдорда ва қуюқ, баъзан эса йирингли бўлиши эканлиги асосланган;

илк бора аллергик ринит ва синуситли гуруҳдаги болаларнинг риноцитограмма натижалари солиштирилганда лимфоцитоз, моноцитоз ва нейтрофилия билан биргаликда эозинофилия, аллергик ринит ва аденоид вегетацияли ҳамда мустақил аллергик ринит билан хасталанган болалар гуруҳларида эса фақат эозинофилия, барча гуруҳлар қон зардобиди Е иммуноглобулиннинг кўпайишининг қон қийматлари билан бевосита боғлиқлик мавжудлиги илмий исботланган;

синусит ва аденоид вегетациялари комбинацияси билан бурун бўшлиғининг микробиоценозини баҳолашда аллергик ринит ва аденоид

вегетациялари бўлган болаларда ачитки замбуруғлар ва *Pseudomonas aeruginosa* йўқлиги асосланган;

болаларда синусит ва аденоид вегетациялари билан аллергия ринитни ташхислаш ва Пари-Синус 2 ингалятори ёрдамида бурун ёндош бўшлиқларига махсус дори воситаси юбориш орқали даволаш усули такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

болаларда синусит ва аденоид вегетациялари билан бирга аллергия ринитни даволаш тактикасини тўғри танланган;

оториноларинголог шифокорларининг амалий фаолиятига синусит ва аденоид вегетациялари билан бирга аллергия ринит билан хасталанган бемор болаларни ташхислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган;

асоратланиш даражаси ва даволаш муддатини камайтириш, ремиссия даврини узайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш;

оториноларинголог шифокорлари фаолиятига синусит ва аденоид вегетациялари билан бирга аллергия ринит билан хасталанган болаларни ташхислаш ва даволашнинг илмий асосланган тавсиялар, узоқ муддатли ремиссияга эришиш ва болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада бемор болалар ва материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири-иккинчисини тўлдирадиган клиник, инструментал, иммунологик, бактериологик ва статистик тадқиқот усулларида синуситли ва аденоид вегетацияли болаларда аллергия ринитни ташхислашни ва даволашни оптималлаштиришнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аллергия ринитли болалар орасида ташхислаш ва даволаш сифатини ошириш, синусит ва аденоид вегетацияли болаларда аллергия ринитни клиник кечиши, уларнинг қўшалок келиши аллергия ринитнинг клиник кечишини оғирлаштириши инобатга олган ҳолда, аллергия ринитни синусит ва аденоид вегетациялари билан бирга комплекс даволашнинг замонавий усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти аллергия ринитни синусит ва аденоид вегетациялари билан бирга комплекс даволашнинг ишлаб чиқилган усули касал болаларнинг тез тикланиши ва уларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланишига олиб келиши билан биргаликда тавсия этилган даволаш усулидан фойдаланиш даволаш самарадорлигини ошириш ва аллергия ринитнинг ремиссияси нуқтаи назаридан муҳимлиги оториноларингологлар орасида аллергия ринитни ташхислаш ва даволаш сифатини ошириш имконини берганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Синуситли ва аденоид вегетацияли болаларда аллергик ринитни ташхислашни ва даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилди:

“Аденоид вегетацияли болаларда, аллергик ринитни мажмуавий тавсифи ва даволашни такомиллаштириш” услубий тавсия тасдиқланган (Самарқанд Давлат тиббиёт университети қошидаги эксперт кенгаши 19.12.2023 йилда 139-сон билан тасдиқланган). Услубий тавсия аллергик ринит ва аденоид вегетациялари билан бирга қайд этилган бемор болаларда клиник, лаборатор, бактериологик, инструментал текширувларни ва Пари-Синус 2 ингалятори билан даволашни такомиллаштиришга имкон берган.

“Риносинуситли болаларда аллергик ринитни клиник-лаборатор тавсифи ва даволашни такомиллаштириш” услубий тавсия тасдиқланган (Самарқанд Давлат тиббиёт университети қошидаги эксперт кенгаши 19.12.2023 йилда 140-сон билан тасдиқланган). Услубий тавсия аллергик ринит ва риносинусит билан бирга қайд этилган бемор болаларда клиник, лаборатор, бактериологик, инструментал текширувларни ва Пари-Синус 2 ингалятори билан даволашни такомиллаштиришга имкон берган.

**Биринчи илмий янгилик:** мустақил аллергик ринитнинг клиник кечишини, аллергик ринит синусит ва аденоид вегетациялари билан биргаликда кечиши ўзаро солиштирганда касалликнинг янада ифодаланган ўзига хос белгилари аллергик ринит ва синуситли болаларда аниқланди. Ушбу гуруҳда бурундан келадиган ажралмалар кўп миқдорда ва қуюқ, баъзан эса йирингли бўлиши исботланганлиги Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2024 йилнинг 12 мартдаги 523-7-107-ТВ/2024-сонли буйруқ билан, Тошкент вилояти Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2024 йилнинг 14 мартдаги 777-10-148-ТВ/2024-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** аллергик ринитнинг синусит ва аденоид вегетациялари билан биргаликда мутақил аллергик ринит билан хасталанган болаларнинг белгиларини SNOT-22 сўровномаси асосида болаларнинг ҳаёт сифатига кучли таъсир кўрсатадиган симптомларни солиштирганда, синусит ва аллергик ринит билан хасталанган болалар бурун обструкцияси, аксириш ва бурун оқиши билан кўпроқ безовта бўлган ( $p > 0,001$ ). АР синусит ва аденоид вегетациялари билан биргаликда учрайдиган шикоятларни яққолиги, АР ва синусит билан хасталанган болаларда клиниканинг оғир кечишини инобатга олиб, комплекс даволаш таклиф қилинган ва унинг самарадорлиги ўрни бўлиб болаларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши орқали хасталикнинг асоратлари ва ногиронликни олдини олишга қаратилган замонавий ташхислаш ва даволаш тартиби яхшиланган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** аллергик ринитнинг синусит ва аденоид вегетациялари билан биргаликда мустақил аллергик ринит билан солиштирганда касалликнинг янада жиддий ўзига хос белгилари аллергик

ринит ва синуситли болаларда бурундан келадиган ажралмалар қуюқ йирингли бўлиши аллергия ринит ва аденоид вегетацияли болаларда шиллиқли ажралмалар билан кечишини олдини олиш учун бир нафар бемор бола учун 1740000 минг сўм иқтисод қилишга эришилган ва шифохонада бўлиш вақтини 2-3 кунга қисқартириш имконини берган. **Хулоса:** аллергия ринитнинг синусит ва аденоид вегетациялари билан биргаликда, мустақил аллергия ринит билан солиштирганда касалликнинг янада жиддий ўзига хос белгилари натижасида аллергия ринит синусит ва аденоид вегетацияли болаларни даволаш орқали бир нафар бемор учун давлат бюджет маблағларидан сарф харажатларни 1740000 минг сўм иқтисод қилишга эришилган.

**Иккинчи илмий янгилик:** аллергия ринит ва синуситли гуруҳдаги болаларнинг риноцитограмма натижалари солиштирилганда лимфоцитоз, моноцитоз ва нейтрофилия билан биргаликда эозинофилия, аллергия ринит ва аденоид вегетацияли ҳамда мустақил аллергия ринит билан хасталанган болалар гуруҳларида эса фақат эозинофилия, барча гуруҳлар қон зардобидида Е иммуноглобулиннинг кўпайишининг қон қийматлари билан бевосита боғлиқлик мавжудлиги исботланганлиги Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2024 йилнинг 12 мартдаги 523-7-107-ТВ/2024-сонли буйруқ билан, Тошкент вилояти Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2024 йилнинг 14 мартдаги 777-10-148-ТВ/2024-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** аллергия ринит ва синуситли гуруҳдаги болаларнинг риноцитограмма натижалари солиштирилганда лимфоцитоз, моноцитоз ва нейтрофилия билан биргаликда эозинофилия, аллергия ринит ва аденоид вегетацияли ҳамда мустақил аллергия ринит билан хасталанган болалар гуруҳларида эса фақат эозинофилия, барча гуруҳлар қон зардобидида Е иммуноглобулиннинг кўпайишининг қон қийматлари билан бевосита боғлиқлик мавжудлиги инobatга олган ҳолда аллергия ринитни ташхислашда риноцитограмма ва қон зардобидидаги Е иммуноглобулин ўрнини баҳолаш орқали самарали ташхислаш тартибини татбиқ этиш имконини берган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** аллергия ринит ва синуситли гуруҳдаги болаларнинг риноцитограмма натижалари солиштирилганда лимфоцитоз, моноцитоз ва нейтрофилия билан биргаликда эозинофилия, аллергия ринит ва аденоид вегетацияли ҳамда мустақил аллергия ринит билан хасталанган болалар гуруҳларида эса фақат эозинофилия, барча гуруҳлар қон зардобидида Е иммуноглобулиннинг кўпайишининг қон қийматлари билан бевосита боғлиқлигини ҳамда риноцитограмма ва Е иммуноглобулиннинг миқдорини аниқлаш учун бюджет маблағларидан 208000 минг сўмни иқтисод қилишга имконини берган. **Хулоса:** аллергия ринит ва синуситли, аллергия ринит ва аденоид вегетацияли ҳамда мустақил аллергия ринит билан хасталанган болалар гуруҳларида риноцитограмма ва қон зардобидида Е иммуноглобулиннинг миқдорини

аниқлаш учун бюджет маблағларидан 208000 минг сўмни иқтисод қилишга эришилган.

**Учинчи илмий янгилик:** аллергия ринитнинг синусит ва аденоид вегетациялари комбинацияси билан бурун бўшлиғининг микробиоценозини баҳолашда аллергия ринит ва аденоид вегетациялари бўлган болаларда хамиртурушли замбуруғлар ва *Pseudomonas aeruginosa* йўқлиги асосланганлиги Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2024 йилнинг 12 мартдаги 523-7-107-ТВ/2024-сонли буйруқ билан, Тошкент вилояти Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2024 йилнинг 14 мартдаги 777-10-148-ТВ/2024-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** аллергия ринитнинг синусит ва аденоид вегетациялари комбинацияси билан бурун бўшлиғининг микробиоценозини баҳолашда аллергия ринит ва аденоид вегетациялари бўлган болаларда хамиртурушли замбуруғлар ва *Pseudomonas aeruginosa* йўқлигини асослашда даволашдан олдин барча беморларда етакчи патоген штаммларнинг 80% да АМЦ/КК, цефотаксим, левофлоксацин ва 90%цефтриаксонга сезувчанликнинг юқорлигини аниқланиб, *Str. pneumoniae* 70% азитромицинга сезгир эди. 40-50% *H.influenzae*, 30-40% *St.aureus*, гентамицин, ампициллин ва ко-тримоксазолга сезувчанлик 30-50% дан ошмаганлиги натижасида цефтриаксон дори воситасининг сезувчанлигини юқорилигини тавсия этиш этиш имконини берган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** аллергия ринитнинг синусит ва аденоид вегетациялари комбинацияси билан бурун бўшлиғининг микробиоценозини баҳолашда аллергия ринит ва аденоид вегетациялари бўлган болаларда хамиртурушли замбуруғлар ва *Pseudomonas aeruginosa* йўқлигини асослаш бюджет маблағларидан сезувчанликни аниқлаш учун бир нафар бемор учун 150000 минг сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** аллергия ринитнинг синусит ва аденоид вегетациялари комбинацияси билан бурун бўшлиғининг микробиоценозини баҳолашда аллергия ринит ва аденоид вегетациялари бўлган болаларда хамиртурушли замбуруғлар ва *Pseudomonas aeruginosa* йўқлигини ташхислаш учун 150000 минг сўмни иқтисод қилишга эришилган.

**Тўртинчи илмий янгилик:** болаларда илк бора синусит ва аденоид вегетациялари билан аллергия ринитни ташхислаш ва Пари-Синус-2 ингалятори ёрдамида бурун ёндош бўшлиқларига махсус дори воситаси юбориш орқали даволаш алгоритми таклиф қилинганлиги Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2024 йилнинг 12 мартдаги 523-7-107-ТВ/2024-сонли буйруқ билан, Тошкент вилояти Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2024 йилнинг 14 мартдаги 777-10-148-ТВ/2024-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** болаларда илк бора синусит ва аденоид вегетациялари билан аллергия ринитни ташхислаш ва Пари-Синус 2 ингалятори ёрдамида бурун ёндош бўшлиқларига махсус дори воситаси

юбориш орқали даволаш алгоритми таклиф қилинди. Даволашдан олдин аллергик ринит ва синусит билан хастланган болаларда олдинги фаол риноманометрия ёрдамида буруннинг нафас олиш фаолиятини объектив баҳолаганда ҳаво оқимининг сезиларли даражада пасайишини кўрсатди  $284,44 \pm 39,83$  мл/с. Бурун бўшлиғининг ўнг ва чап ярмида, нафас олиш ва чиқариш фазаларида ўртача ОФРМ қийматлари  $12,51 \pm 3,65$  ни, аллергик ринит ва аденоид вегетациялари билан хасталанган болаларда бурун нафас олиш фаолиятини объектив баҳолаганда, даволашдан олдин умумий ҳаво оқимининг ўртача тезлиги нафас олиш ва чиқариш пайтида  $274,79 \pm 49,10$  мл/с ни, ўнг ва чап томонларнинг нисбати  $16,49 \pm 7,47$ ни ташкил қилган. Турли хил терапиядан кейин  $689,21 \pm 53,28$  дан  $821,36 \pm 77,06$  гача натижалар кўтарилди. Анъанавий даволаш билан умумий оқим кўрсаткичлари уч барабар, комплекс даволаш билан эса 4 барабар кўпайиб, иккала гуруҳда ишончли қийматларга эришиши орқали болаларнинг ҳаёт сифати яхшилانган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** болаларда илк бора синусит ва аденоид вегетациялари билан аллергик ринитни ташхислаш ва Пари-Синус 2 ингалятори ёрдамида бурун ёндош бўшлиқларига махсус дори воситаси юборишни асослаш учун Пари-Синус 2 ингалятори ёрдамида даволаш учун 300000 минг 800 сўмни иқтисод қилиш ва шифохонада бўлиш вақтини 2-3 кунга қисқартириш имконини берган. **Хулоса:** болаларда илк бора синусит ва аденоид вегетациялари билан аллергик ринитни ташхислаш ва Пари-Синус 2 ингалятори ёрдамида бурун ёндош бўшлиқларига махсус дори воситаси юбориш орқали даволаш алгоритми таклиф қилинган 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир курс учун 300000 минг 800 сўмга иқтисод қилиш.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Синуситли ва аденоид вегетацияли болаларда аллергик ринитни ташхислаш ва даволашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлар кенг таҳлил қилинган. Болаларда аллергик ринитнинг этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхислаш ва даволаш тақикаси келтирилган. Аллергик ринитнинг синусит ва аденоид вегетациялари билан бирга муаммосига бағишланган кўплаб тадқиқотларга қарамасдан, унинг ташхислаш ва даволашда ҳали ҳам кўп ноаниқликлар мавжудлини инобатга олган ҳолда ушбу касаллик билан хасталанган болаларни даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган муаллифлик ёндашувини ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Синуситли ва аденоид вегетацияли болаларда аллергик ринитни ташхислаш ва даволаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи берилган ва лаборатория ва статистик текширув усуллари батафсил тавсифланган. Республика ихтисослаштирилган аллергология илмий марказида, Тошкент шаҳар болалар консултатив-диагностик марказида, ТошПТИ клиника базаси ҳамда «Happy life medical centre» ЛОР бўлимида 105 нафар аллергик ринит билан хасталанган бемор болаларни текшириш ва комплекс даволаш натижалари илмий тадқиқот ишига асос бўлди. 2021 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда.

Асосий гуруҳ аллергик ринит билан бирга синусит ва аденоид вегетациялари бўлган 80 нафар бемор болалардан иборат эди. Қиёсий гуруҳи синуситсиз ва аденоид вегетациялари бўлмаган аллергик ринитли 25 нафар бемор болалардан иборат. Текширувда иштирок этган барча бемор болалар умумий клиник ва лаборатория-инструментал текширувдан ўтказилди, жумладан: шикоятлар ва анамнез тўплаш, ЛОР аъзоларини инструментал текшириш (ЧАММЕД Корейдан эндоскопик ускуна ёрдамида бурун бўшлиғини текшириш), функционал ҳолатни текшириш, тўғридан-тўғри бурун ёндош бўшлиқларини рентгенологик текшируви, агар кўрсатилса, латерал ва аксиал проекцияларда, бурун шиллиқ қаватининг хужайра таркибини ўрганиш, периферик қон ва иммунитет ҳолатини ўрганиш. Клиник-лаборатор ва инструментал текширувлар Болалар консултатив-диагностика марказида, «Happy life medical centre» шифохонасида, Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология марказида ўтказилган. 10-18 ёшли

болаларда бурун шиллик қаватининг функционал ҳолатини ўрганиш: В.И.Воячек усули бўйича ольфактометрия (1934), нафас олиш фаолияти РИНОЛАН томонидан ишлаб чиқарилган Риноманометр аппарати ёрдамида ўрганилди. Бурун бўшлиғидан цитологик текширув (риноцитограмма) - бармоқ излари суртмаси ёрдамида ўрганилди. Бармоқ изи суртмасида эозинофиллар, моноцитлар, лимфоцитлар ва нейтрофиллар таркиби Шеврйгин Б.В. усули ёрдамида баҳоланди. (1998). Бурун шиллик қаватидаги ҳар хил турдаги лейкоцитларнинг хужайрали кўринишини баҳолашда ҳар бир хужайранинг ўзига хос оғирлиги фоиз сифатида ҳисоблаб чиқилган. Барча бемор болаларда умумий қон таҳлили ўтказилди. Махсус текширув дастури қўйидаги босқичларни ўз ичига олади: касаллик анамнезини йиғиш ва шикоятларни аниқлаш, SNOT-22 сўровномаси, умумий текширувдан олинган объектив маълумотлар ва ЛОР органларининг ҳолати, умумий лаборатория текшириш усуллари, цитологик текширув - бурун шиллик қаватидан суртма, бурундан бактериал экма олиш, ҳид билиш функцияси, риноманометрия, тери аллергик синамалари, умумий Е иммуноглобулин, Рентген (МСКТ, ЗД) бурун эндоскопияси текширувлари.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 10,0» персонал компютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Синуситли ва аденоид вегетацияли болаларда аллергик ринитни клиник хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида учта кичик бобдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда синусит ва аденоид вегетациялари билан биргаликда аллергик ринит билан оғриган беморларнинг клиник маълумотлари келтирилган. Иккинчи бўлимда болаларда аллергик ринитни даволашдан олдин оториноларингологик текширувнинг асосий натижалари, учинчи бўлимда текширилган беморларнинг лаборатория ва инструментал маълумотлари кўриб чиқилади. Олинган скарификация тестларининг таҳлили текширилган 105 тадан 95 тасида (90,4%) ижобий натижа кўрсатди, бу бизнинг бемор болаларимизни қўйидаги гуруҳларга бўлиш имконини берди: асосий гуруҳдаги текширилганларнинг кўпчилиги 62 тасида ( $n = 95$ ; 65,2%), скарификация тест маълумотлари уй чангига мусбат бўлиб чиқди - кана *D. Pteronyssinus* ёки *D. Farinae*-17 (27,4%), ҳайвонларнинг туклари - 12 (19,3%), ёстиқ патлари - 6 (9,6%), тараканлар - 6 (9,6%), гистамин - 7 (11,3%), пахта - 9 (14,5%) ва замбуруғлар - 5 (8,0%). Шунга асосланиб, уларга доимий АР ташхиси қўйилган. Қолган 33 тасида ( $n=95$ ;34,7%) ўсимлик чанглари - турли комбинациялардаги аллергенларга: 12 та (36,3%) болаларда дарахт гулчанглирига, 12 нафар (36,3%) бемор болаларда донли ўтларга, 9 нафар (27,2%) бегона ўтларга синамалар мусбат бўлган эди. Шунини таъкидлаш керакки, битта ҳам бемор болада аллергенларига моновалент сезгирлик йўқ эди, шундан сўнг АРнинг мавсумий тури ташхиси қўйилган. Анамнез ва клиник лаборатория текширувлари натижаларига кўра, прик тестлари манфий бўлган қолган 10 нафар бемор болага мавсумий АР тури ташхиси қўйилган.

Текширилаётган гуруҳлар ARIA 2016 томонидан таклиф қилинган таснифга асосан АРнинг оғирлигига қараб бўлинган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Allergic Rhinitis and its Impact on Asthma таснифи бўйича бемор болаларни оғирлик даражасига кўра тақсимлаш**

Оғирлик даражаси	Доимий		Мавсумий	
	n=62	%	n=43	%
Енгил	-	-	-	-
Ўртача	25	40,3	25	58,1
Оғир	37	59,6	18	41,8

Беморлар уч ёш гуруҳига бўлинган: 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган мактабгача ёшдаги болалар, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари ва 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар. Улардан 80 та (76,1%) болалар синусит ва аденоид вегетациялари (асосий гуруҳ), 25 та (23,8%) болалар АР (таққослама гуруҳ) билан оғирган (2-жадвал).

Анамнестик маълумотларни ўрганиш шуни кўрсатдики, кўпчилик болаларда сезиларли аллергик ирсий мойиллик (80%) бор. Шундай қилиб, 84 (80%) ота-оналар у ёки бу аллергик касалликлардан азият чекди, хусусан: атопик дерматит- 25, озиқ-овқат аллергияси - 23, аллергик ринит/риноконъюнктивит - 23, бронхиал астма - 7, сурункали эшак еми - 4, поллиноз – 2. Бундан ташқари, текширилган болаларнинг 43 тасида (40,9%) ота-оналар аралаш ёки илгари сунъий озиқлантириш, 59 (56,1%) ота-она эса тамаки чекишини қайд этган.

Анамнез ва касалликнинг кечишини ўрганиш шуни кўрсатдики, АР касаллигининг клиник белгиларининг намоён бўлиши ўртача 1-10 йилни ташкил қилади. 26 (32,5%) болаларда бу давр ўртача 1 ёшдан 3 ёшгача, 35 (43,7%) - 4 ёшдан 6 ёшгача, 19 (23,75%) - 7 ёшдан 10 ёшгача бўлган.

**2-жадвал**

**Аллергик ринит билан хасталанган бемор болаларнинг ёши ва жинси тузилиши**

Текширув гуруҳлари	n	3-6 ёш		7-14 ёш		15-18 ёш	
		Ў	Қ	Ў	Қ	Ў	Ў/Қ
АР ва синуситли болалар (1-асосий гуруҳ)	40	6	5	5	9	8	7
АР ва аденоид вегетацияли болалар (2-асосий гуруҳ)	40	13	8	10	5	3	1
Мустақил АР ли болалар (таққослама гуруҳ)	25	4	1	3	8	2	7
Жами	105	23	14	18	22	13	15

Аллергик ринит белгиларининг оғирлигини баҳолаш мақсадида «SNOT-22» сўровномасидан фойдаланилди (3-жадвал).

**SNOT-22 сўровномаси ёрдамида даволашдан олдин таққослама  
гурuhlарнинг қиёсий белгилари**

Аломатлар		I гр. AP+ Синусит n=40		II гр. AP+AB n=40		III гр. AP n=25		P		
		M	m	M	m	M	m	p1 (I- III)	p2 (II- III)	p3 (I-II)
1.	Бурун обструкцияси	2,22	0,12	2,68	0,09	1,64	0,15	0,004	0,000	0,001
2.	Аксириш	0,50	0,11	1,75	0,15	1,52	0,18	0,000	0,337	0,000
3.	Бурун оқиши	1,88	0,13	1,03	0,12	0,92	0,14	0,000	0,574	0,000
4.	Кўзларни ёшланиши, қичиши	0,48	0,15	0,43	0,12	0,60	0,17	0,598	0,417	0,795
5.	Йўтал	1,11	0,14	0,21	0,08	0,16	0,09	0,000	0,661	0,000
6.	Халқум орқа девори бўйлаб шилишмиқ оқиш хисси	0,85	0,13	0,36	0,09	0,16	0,07	0,000	0,084	0,000
7.	Бурундан қуюқ ажралма ажралиши	1,36	0,11	0,08	0,04	0,00	0,00	0,000	0,050	0,000
8.	Қулоқ битиши	0,65	0,12	0,79	0,14	0,16	0,07	0,001	0,000	0,450
9.	Бош айланиши	0	0	0	0	0	0	0	0	0
10.	Рўмолчага мухтожлик	1,81	0,22	0,18	0,07	0,92	0,14	0,001	0,000	0,000
11.	Қулоқ оғриғи	0,35	0,11	0,11	0,06	0,12	0,07	0,085	0,886	0,092
12.	Юздаги оғриқ / босим	0,96	0,12	0,14	0,07	0,00	0,00	0,000	0,039	0,000
13.	Ҳид билишни пасайиши	0,48	0,09	0,45	0,12	0,48	0,13	0,975	0,865	0,866
14.	Ухлашдаги қийинчилик	0,83	0,08	0,80	0,14	0,60	0,16	0,220	0,355	0,877
15.	Кечаси уйғонишлар	0,52	0,12	1,73	0,11	0,24	0,10	0,078	0,000	0,000
16.	Тўлиқ тунги уйқунинг етишмаслиги	0,56	0,12	1,63	0,11	0,32	0,14	0,198	0,000	0,000
17.	Уйғонганингизд ан кейин чарчаш хисси	0,78	0,10	0,95	0,17	0,36	0,15	0,027	0,012	0,386
18.	Чарчоқлик	0,81	0,11	1,95	0,13	0,64	0,17	0,404	0,000	0,000
19.	Ишлаш қобилиятининг пасайиши	0	0	0	0	0	0	0	0	0
20.	Концентрацияни нг пасайиши	0,33	0,08	1,35	0,11	0,64	0,17	0,104	0,001	0,000
21.	Кўнгилсизлик, ташвишлилик, асабийлашиш	1,15	0,13	0,96	0,10	0,72	0,15	0,034	0,188	0,250
22.	Ўзини йўқотиш	0,33	0,08	0,50	0,08	0,60	0,15	0,117	0,558	0,137

«SNOT-22» сўровномаси натижаларига кўра, АР ва синусит билан бирга АР ва аденоид вегетациялари билан бирга, мустақил АР билан солиштирганда оғирроқ кечиши, шунингдек, болаларни ҳаёт сифатини пасайтирувчи АР билан синусит ва АР билан АВ ўзига хос белгиларига эгаллиги, бу ўз вақтида ташхис қўйиш ва комплекс терапияни талаб қилиши аниқланди.

Аллергик ринитли болаларни даволанишдан олдин оториноларингологик текширувнинг асосий натижалари бурун бўшлиғи ва бурун-халқум оптик эндоскопияси эндоанал кириш орқали амалга оширилди. Бурун тўсиғининг деформацияси кўринишидаги интраназал тузилмаларнинг биргаликдаги патологияси тадқиқотдан чиқарилди. Қизиғи шундаки, 40 нафар болада бурун-халқум муртагининг гипертрофияси бор эди. Улардан 2-даражали АВ 9 та (22,5%), 31 та (77,5%) бемор болаларда 3-даражали АВ аниқланган. Трансназал эндоскопик текширув давомида 8 нафар (n=40; 20%) бемор болаларга хоанал аденоид вегетация синдроми ташхиси қўйилди, бу фонация пайтида муртакнинг бир қисмини халқумдан хоана орқали бурун бўшлиғининг орқа қисмларига силжиши билан тавсифланади. Аденоид вегетациялари бўлган 11 нафар (27,5%) болаларда бурун-халқумдан шиллик ажралма аниқланган.

Кўпинча, 2- ва 3-гуруҳлардаги болаларда бурун бўшлиғи ва бурун-халқумни эндоскопик текширишда шиллик қаватнинг рангпар ва цианотик ранги қайд этилган, тадқиқотнинг 1-гуруҳида эса бемор болаларнинг кўпчилигида шиллик қават асосан гиперемик эди ( $p < 0,05$ ). 2- ва 3-гуруҳларда текширилган болаларда юқори нафас йўлларида ўртача миқдорда шиллик ажраллишлар, 1-гуруҳдаги болаларда шиллик йирингли ажралма бор эди. Барча текширилган болаларда бурун шиллик қаватининг шишиши қайд этилган, 1-, 2- ва 3-гуруҳларни солиштирганда, бу аломат учун сезиларли фарқлар аниқланмаган ( $p > 0,05$ ).

БЕБларни патологик ўзгаришларни ташхислаш, шунингдек, АВ даражасини аниқлашда 3Д рентген усулининг имкониятларини ўрганиш учун бемор болаларга FONA XPaп (Италия) аппарати ёрдамида БЕБ ва бурун-халқумнинг 3Д тамограммаси ўтказилди. БЕБ ва бурун-халқумнинг 3Д, МСКТ си 105 болада ўтказилди. 9 нафарида (22,5%) 2-даражали аденоид вегетациялари ва 31 нафар (77,5%) бемор болаларда 3-даражали АВ.

Параназал синусларнинг рентгенологик диагностикаси маълумотлари 105 боладан 40 нафарида ўзгаришларни аниқлашга имкон берди. Бемор болаларнинг ушбу гуруҳида энг кўп учрайдиган ҳолатлар гайморозтмоидит (22,5%), гайморозтмоидофронтит (17,5%), этмоидит (15%), гайморит (15%), пансинусит (10%). Олинган натижаларга асосланиб, биз аллергия ринитли болаларда икки томонлама зарарланиш энг кўп учрайди ва бир вақтнинг ўзида бир нечта синуслар ҳам зарарланади, бу касалликнинг янада оғир кечишига олиб келади деган хулосага келишимиз мумкин.

АР касаллигининг атопик характерини тасдиқлаш учун барча болаларда периферик қондаги эозинофиллар сони ва қон зардобиддаги умумий IgE даражаси аниқланди. Аллергик яллиғланиши бўлган болаларнинг периферик қонида эозинофилия барча уч гуруҳда, (M±m-11,26±0,60, 11,68±0,62 ва 10,32±0,68 хужайра/мл), 1- асосий гуруҳда эса қолган гуруҳлардан фарқли

лейкоцитоз ( $M \pm m - 13,30 \pm 0,79$ ) ва ЭЧТ ( $M \pm m - 14,82 \pm 0,60$ ) ни ошиши кузатилган. Гуруҳлар орасидаги болаларда касалликнинг оғирлигига ва сенсibiliзация спектрига қараб эозинофиллар сонида сезиларли фарқлар йўқ эди.

Нейтрофиллар, эозинофиллар, лимфоцитлар ва моноцитлар сони назоцитограмма усули ёрдамида аниқланди. Ҳар бир ҳужайра турининг фоизи ҳисоблаб чиқилган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### АР ва синусит, АР ва АВ билан хасталанган болаларда бурун шиллик қаватининг суртмаси ҳужайрали таркиби ва қон зардобида умумий Ig E кўрсаткичлари

	АР+Синусит		АР+АВ		АР		Р		
	М	m	М	m	М	m	p1	p2	p3
Лимфоцитлар	18,44	0,93	1,58	0,19	6,4	1,1	0,000	0,000	0,000
Моноцитлар	3,46	0,52	1,83	0,24	1,9	0,13	0,006	0,005	0,798
Нейтрофилли сегментлар	14,03	0,74	1,83	0,24	1,02	0,11	0,000	0,003	0,000
Эозинофиллар	12,63	0,70	13,30	0,63	14,92	1,29	0,479	0,124	0,263
Ig E	148,11	8,28	127,96	7,32	151,72	7,02	0,074	0,741	0,023

*Изох:* p-гуруҳ маълумотлари бўйича фарқлар ( $p < 0,05$ ,  $p < 0,01$ ,  $p < 0,001$ ).

4-жадвалдан кўриниб турибдики, барча гуруҳлардаги бурун шиллик қаватининг бармоқ излари суртмаси ҳужайрали таркиби эозинофиллар таркибининг кўпайиши билан тавсифланади, бу касалликнинг аллергик генезини белгилайди. Бурун секрециясининг цитологик таҳлили кўпчилик болаларда юқори цитозни аниқлади. Бундан ташқари, 2- ва 3-гуруҳларнинг касал болалари эозинофилия билан тавсифланади ва аллергик синусит билан оғриган 1-гуруҳ болаларининг суртмаларида лимфоцитлар, моноцитлар, эозинофиллар ва нейтрофиллар устунлик қилади. Беморларнинг бурун секрециясидаги ҳужайраларнинг миқдорий таркиби касалликнинг оғирлигига боғлиқ эмас. Шунинг таъкидлаш керакки, хуруж даврида бемор болаларда ремиссия давридаги кўрсаткичларга нисбатан суртмаларда эозинофилларнинг юқори миқдорига эга бўлиш тенденцияси аниқланган. Қон зардобида умумий IgE даражасининг кўтарилган қийматлари меъёрдан ошишини аниқлади: АР ва синуситли 40 нафар (38%), АР+АВ бўлган болаларда – 40 нафар (38%), ва 25 нафар (23%) таққослаш гуруҳидаги болаларда ( $p > 0,05$ ). Умумий зардобда Е иммуноглобулиннинг юқори даражасини аниқлаш - кўрсаткич ўртача ёш нормасидан ошиб кетди ва 125 дан 160 МЕ гача - аллергик ринитли барча болаларда касалликнинг атопик характерини тасдиқлайди.

Микробиоценозни ўрганишда, маълумотлардан кўриниб турибдики аллергик ринит ва синуситли болаларда Staph.aureus ( $0,37 \pm 0,05$ ), Staph. haemolyticus ( $0,32 \pm 0,08$ ), Str.pneumoniae ( $0,30 \pm 0,09$ ), H. influenzae ( $0,22 \pm 0,08$ ), Staph. epidermidis ( $0,11 \pm 0,06$ ), Str. pyogenes ( $0,19 \pm 0,08$ ), анаэроблар ( $0,27 \pm 0,04$ ) сезиларли даражада тез-тез учрайди ва бундан ташқари, ушбу тоифадаги бемор болаларда ачитки замбуруғлар ( $0,07 \pm 0,05$ ) ва Pseudomonas aeruginosa ( $0,15 \pm 0,07$ ) аниқланган, улар АР ва АВ бўлган болаларда, шунингдек, таққослаш гуруҳидаги болаларда йўқ эди. Аллергик ринитли ва аденоид вегетацияли болаларда суртмаларни бактериологик ўрганиш бурун бўшлиғи

